



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

# БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)  
мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

## МАТЕРИАЛЛАРИ

2023 йил-10 июнь

Бухоро - 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**  
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция*

**МАТЕРИАЛАРИ**

*2023 йил – 10 июнь*

**Бухоро - 2023**

~ 2 ~

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шахарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2023 йил 10 июнь** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА)** мавзусидаги халқаро миқёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

#### **Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

#### **Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

<b>Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор</b>	<b>О.Х.Ҳамидов</b>
<b>Илмий ишлар ва инноватциялар бўйича проректори, физ-мат ф.д (DSc), проф</b>	<b>Т.Ҳ.Расулов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири</b>	<b>Ф.У.Темиров</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>И.С.Иноятлов</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>Ш.А.Ҳайитов</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.Б.Қурбонова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.И.Ниязова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>Ф.Ҳ.Бобожонова</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>И.Н.Наимов</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>А.Ҳ.Болтаев</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси</b>	<b>О.И.Ражабов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси</b>	<b>Ш.Ў.Носиров</b>

#### **Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

**Умаров Б.Б.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Носиров Ш.Ў** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги  
7 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгар*

## МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА БУХОРОДА АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ахматов Амонкелди Ҳасанович тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Зиёдуллаева Гўлмера Бухду талаба

+99899 759 12 12// [amonaxmatov@mail.ru](mailto:amonaxmatov@mail.ru)

Мустабид совет империясининг сўнгги йилларида сиёсий жараёнлар фониди адабий ҳаракатчиликда ҳам ўзгаришлар юзага келди. Қайта қуриш баҳонасидаги турли тадбирлари самарасиз яқунланди. XX аср 80 йиллари ўзбек адабиёти фониди давом этиб келаётган Бухоро адабий муҳити тарихида ниҳоятда салмоқли, самарали йиллардан бўлди. Ушбу давр Бухоро адабий муҳити тарихи Ўзбекистон тарихининг ҳамон ўрганилмаган қирраларидан саналади. Олдинги сиёсий зуғумлардан биров бўлсада қутулган адабий муҳит қанотини кенг ёйиб кўплаб ижодкорларни ўз бағрига олди. Жамият ҳаётидаги бир қадар яхшиланишлар адабий жараёнларга ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Вилоят ижодкорларини уюштиришда ёзувчилар уюшмаси, айниқса, 80-йилларда катта ташкилотчилик тадбирларини амалга оширди. Натижада 1984 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухорода сайёр Пленум ўтказиб, 8 нафар маҳаллий ижодкорни уюшма аъзолигига қабул қилди<sup>1649</sup>. Салкам ўттиз йилдирки, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқараётган истеъдодли шоир Тошпўлат Аҳмад адабий жараённи жонлантириш, уюшма нуфузини кўтариш, ижодкорлар сафини кенгайтириш ва улар ёзаётган бадиий асарларнинг савиясини юксалтириш мақсадида устозлар бошлаган аънанани давом эттирди.

1984 йил Бухоро шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг 60 йиллиги шарафига ҳаваскор шоирлар ва композиторлар асарларининг конкурсини эълон қилдилар. Конкурса хор, солист, ансамбл ва оркестрлар учун асарлар қабул қилинади. Конкурс шартларига кўра ҳаваскор шоир ва композиторлар учта асарни тақдим этишлари керак.

1. Улуғ октябрь социалистик революцияси, коммунистик партия, совет иттифоқи, ишчилар синфи, тинчлик ҳақидаги кўшиқлар.

2. Совет Ўзбекистони, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришдаги шижоати, улкан бунёдкорлик ва зафарлар ҳақидаги асарлар.

3. Муаллифларнинг истаган мавзудаги кўшиқлари<sup>1650</sup>.

Конкурс ғолиблари 3 та даражадаги ўринларга муносиб совғалар билан мукофотланади.

Вилоятда ташкил қилинган “Нилуфар” адабий тўғараги машғулотларида ёшлар ижод сирларини ўрганадилар, машқларини бошқалар билан ўртоқлашадилар. Бу эса уларга ўзларинининг ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида англашларида янада самарали бўлади. Ўзларича ижод қилиб шеърларини хат орқали юборган ёшлар ижодида эса бу жараён жуда секин ўтганлиги сезилади. Улар ижод масъулиятини ўзларича ҳис қиладилар. Натижада аксарият машқларида бадиийлик етишмаслиги ва тематик чекланганлик яққол сезилади. Масалан: Содик Жумаев (Олот), Усмон Бўронов (Когон), Бухоро шаҳридан Тўйчи Ёрқулов, Марифат Бердиева, Қоракўлдан Муқаддас Искандарова, Фахриддин Бозоров (Бухоро кооператив техникум ўқувчиси), Меҳриддин Равшанов (Ғиждувон) машқларида кўзга ташланади. Айрим қаламкашлар шеър ёзиш техникасини, фикрни ифодалаш маҳоратини, бирмунча яхши эгаллаганлар. Бундай ҳаваскорлар мавзуни осонгина мисраларга кўчирадилар. Бироқ уларнинг камчилиги шундаки ўзлари танлаган мавзуни баён қилишда

<sup>1649</sup> Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 2- рўйхат, 660-иш. 17-19 варақлар.

<sup>1650</sup> Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356 фонд, 1-рўйхат, 1522-иш, 10-варақ.

такрорланган фикрларни, такрорланган сифатларни қаламга оладилар. Равшан Толибов, Нуриддин Нутфуллаев (Ғиждувон), Дилшод Ҳотамов (Бухоро шаҳар), Барака Муродов (Пешку), Диловар Ғайбуллаева (Шофиркон), Темур Қурбонов (Олот), Саидакбар Қодиров (Бухоро педагогика институти талабаси) ва бошқаларнинг шеърларида ҳам худди шундай камчилик учрайди.

Баъзи бир ҳаваскорлар эса бунинг бутунлай тескариси. Улар ўзларича қандайдир образли ифодалар излайдилар, мисралар устида мушоҳада юрутадилар. Тажриба ва сўз бойлигининг етарли эмаслиги оқибатида кўзланган натижага эришолмайдилар. Ҳаваскорлар орасида Пешкулик Зайнаб Тожиева “Янги йил келмоқда” шеъри сингари яхши ёзилганлари ҳам учрайди. Вилоятнинг барча туман ва қишлоқларидан уюшмага, шунингдек редакцияга турли хатлар келар, уларда ҳаваскор ижодкорларнинг асарлари ҳам бўлиб бу хатлар билан консултатсия бўлими шуғулланган. Масалан: Содик Жумаев (Олот), Усмон Бўронов (Когон), Бухоро шаҳридан Тўйчи Ёрқулов, Марифат Бердиева, Қорақўлдан Муқаддас Искандарова, Фахриддин Бозоров (Бухоро кооператив техникум ўқувчиси), Меҳриддин Равшанов (Ғиждувон)<sup>1651</sup> машқларида кўзга ташланади. Айрим қаламкашлар шеър ёзиш техникасини, фикрни ифодалаш маҳоратини, бирмунча яхши эгаллаганлар. Бундай ҳаваскорлар мавзуни осонгина мисраларга кўчирадилар. Бироқ уларнинг камчилиги шундаки ўзлари танлаган мавзуни баён қилишда такрорланган фикрларни, такрорланган сифатларни қаламга оладилар. Равшан Толибов, Нуриддин Нутфуллаев (Ғиждувон), Дилшод Ҳотамов (Бухоро шаҳар), Барака Муродов (Пешку), Диловар Ғайбуллаева (Шофиркон), Темур Қурбонов (Олот), Саидакбар Қодиров (Бухоро педагогика институти талабаси) ва бошқаларнинг шеърларида ҳам худди шундай камчилик учрайди.

Пахта яккаҳокимлиги ўз ҳукмини сураётган ушбу йилларда ҳамон, адабий жараёнлар унга хизмат қилар эди. Вилоятнинг таникли шоирлари Т.Аҳмедов, С.Воҳидов, С.Шодиев “Даъватнома” (вилоят пахтакорларига шеърый хат)<sup>1652</sup>, М.Жумаев “Ушалаётган орзу” кишиларнинг пахта ҳаёти, ҳалол меҳнати билан эл назарига тушиши ҳақидаги жумлалар билан бойитилган эди.<sup>1653</sup> Т.Ҳамидов, Т.Аҳмедов, Самандар Воҳидов, Розик Рўзиев, Ғулом Шомуродов, Сулаймон Шодиевлар ҳамкорликда “Ташаккурнома” шеъри 6 млн пахта терилганлиги муносабати билан ёзилган<sup>1654</sup>.

Мавзу доираси кенгайиб Ражаббой Раупов “Вардонзе афсонаси” да тарихий мавзуга мурожат қилган бўлса<sup>1655</sup>, Мурод Халил “Сенинг баҳорингни кўрганлар ҳайрон”, “Дунё бўлур” (болаларимизга), Дилмурод Жабборовнинг “Орзу”, Сулаймон Шодиевнинг “Ҳавас”, “Болаликнинг чегараси”<sup>1656</sup> шеърлари болаларга бағишланган.

Хулоса қилиб айтганда, кўп минг йиллик тарих эга Бухоро адабий муҳит тарихини ўрганиш жараёнида гувоҳи бўлдики, бу юртда ҳеч қачон адабиётга бўлган ҳавас сусаймаган. Мустақиллик арафасида эса адабий жараёнлар айниқса бир қадар юксалди. Тўғри адабий муҳит коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб фаолият олиб борган бўлиши мумин. Бироқ ҳукмрон доира таъсири адабий муҳит тарихида ҳар доим кузатилган жараёнدير. Ушбу йилларда Бухоро адабий муҳитидан энг кўп аъзолар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига қўшилагани ҳам диққатга сазовор ютуқ эди. Адабий жараёнларнинг кенг миқёсидаги фаолияти натижаси ҳам мустақилликка эришимизга бир омил бўлган деб ўйлаймиз. Сиёсий жараёнлардаги ўзгаришлар адабий муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

<sup>1651</sup> Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356 фонд, 1-рўйхат, 1522-иш, 33-варак.

<sup>1652</sup> Бухоро ҳақиқати, 1984 йил 19 октябрь, 202 сон.

<sup>1653</sup> Бухоро ҳақиқати, 1980 йил 10 апрел, 71 сон.

<sup>1654</sup> Бухоро ҳақиқати, 1980 йил 15 ноябр, 222 сон.

<sup>1655</sup> Бухоро ҳақиқати, 1980 йил 14 феврал, 32 сон.

<sup>1656</sup> Бухоро ҳақиқати, 1980 йил 2 апрел, 65 сон; 1984 йил 1 июн, 105 сон.

<b>Амонова Феруза Саъдуллаевна</b>	<b>ЯНГИ БУХОРО ЯНГИ САНОАТ ШАҲРИ</b>	858
<b>Махмудов Олимжон Рахматова Мамлакат</b>	<b>ТЕХНОЛОГИЯИ МУОСИРИ ТАЪЛИМИЙ МАВЗЎИ «ФАЙЗУЛЛО ХҲЧАЕВ — АРБОБИ ДАВЛАТИЮ СИЁСИЙ» ДАР ДАРСИ ТАЪРИХ</b>	861
<b>Зухридин Жунаев</b>	<b>БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР</b>	863
<b>Ҳайитов Умед</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАРДА ФАЙЗУЛЛАЕВ ХҲЖАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ</b>	866
<b>Наврўзбек Каримов</b>	<b>АМИР ҲАЙДАРНИНГ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР</b>	869
<b>Махмуд Ҳамраев</b>	<b>АМИР САИД ОЛИМХОННИНГ ШАХСИЯТИГА ЧИЗГИЛАР</b>	871
<b>Шарипов Гайрат Зарипович</b>	<b>РУССКИЕ В ВОЕННОЙ СЛУЖБЕ БУХАРСКОЙ АРМИИ</b>	875
<b>Фуркат Содиков</b>	<b>XX АСРНИНГ БОШИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ</b>	877
<b>Ахматов Амонкелди Ҳасанович, Зиёдуллаева Гулмера</b>	<b>МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА БУХОРОДА АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР</b>	881